

## MODERN APPROACH TO PATRIOTIC EDUCATION OF YOUTH STUDENTS AND METHODS

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15054426>

Tilavoldiyev Shaxobidin Xoldarovich

Fergana State University,  
teacher of the faculty of military education

**Abstract:** This article discusses the forms and methods of a modern approach to patriotic education of young students and its organization in educational institutions.

**Keywords:** Patriotic education, spiritual and moral, patriotic young generation, civil - legal, social - patriotic, practical and physical training.

## СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД К ПАТРИОТИЧЕСКОМУ ВОСПИТАНИЮ СТУДЕНТОВ И МЕТОДЫ

Тилаволдиев Шахобидин Холдарович

Преподаватель факультета военного образования Ферганского государственного университета

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются формы и методы современного подхода к патриотическому воспитанию школьников и его организации в образовательных учреждениях.

**Ключевые слова:** Патриотическое воспитание, духовно-этическое, патриотическое молодое поколение, гражданско-правовая, социально-патриотическая, практическо-физическая подготовка.

## ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРVARЛИК ТАРБИЯСИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВНИНГ ШАКЛ ВА УСЛУБЛАРИ

Тилаволдиев Шахобидин Холдарович

Фарғона давлат университети, ҳарбий таълим факультети ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўқувчи ёшларнинг ватанпарварлик тарбиясига замонавий ёндашувнинг шакл ва услублари ва уни ўқув юртларида ташкиллаш хақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Ватанпарварлик тарбияси, маънавий-ахлоқий, ватанпарвар ёш авлод, фуқаровий – хуқуқий, ижтимоий – ватанпарварлик, амалий-жисмоний тайёргарлик.

Сўнгги вақтда Ўзбекистонда ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг ватанпарварлик тарбияси бўйича олиб борилаётган ишлар фаоллашди. Барчага маълумки, мамлакат хаётидаги сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш кўп жихатдан ўсиб келаётган ёш авлодни шаклланган фуқаролик позицияси, маънавий-ахлоқий ривожланишга қаратилган эхтиёжи ва ўз халқининг тарихий-маъданий меросига бўлган мухаббатига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим ва тарбия бўйича қарор ва фармонларида таълим тизими ҳар томонлама ривожланган, баркамол, шахс хуқуқлари ва озодлигини хурмат қилувчи, юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга, демократик, хуқуқий-ижтимоий давлатнинг фуқаролари бўлган ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаш масалаларини таъминлаши хақида сўз юритилади.

Билимли, тадбиркор, жисмонан соғлом ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаш – бу хар томонлама кучли жамият ва давлатни шаклланиши ва ривожланишига бўлган қатътий ишончни яратиш ва мустаҳкамлаш демакдир.

Мамлакатимизда кучли жамият ва давлат асосларини ривожлантириш, ёш авлодни тарбиялаш масалаларига янгича ёндашиш масалаларини қўймоқда.

Бу вазифаларни ечишда ўқув юртлардаги ватанпарварлик тарбиясининг аҳамияти ошиб боради. Бу йўналишдаги тарбия, билимли ва кучли ватан ҳимоячилари бўлган муносиб фуқароларни тарбиялашга ўзининг ҳал қилувчи ҳиссасини қўшиши керак.

Фуқаровий-хуқуқий тарбиянинг асосий мақсади, шахснинг озодлиги ва давлат хокимиятига бўлган хурматни, Ватанга мухабbat, тинчликка интилиш, ўзини хурмат қилиш ва интизомлилик, ватанпарварлик туйғуларини гармоник намоён бўлишини ўз ичига олган фуқаровийликни шакллантириш бўлиб ҳисобланади.

Жамиятимизнинг замонавий ривожланиш босқичида ватанпарварлик тарбияси бўйича кўрсатиб ўтилган мақсадларга қўйидаги вазифаларни ечиш орқали эришиш мумкин:

- фуқароларнинг онгida ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ватанпарварлик қадриятларини, Ўзбекистон Республикасининг маъданий ва тарихий ўтмишига, жамиятдаги миллий ва инсонпарварлик қадриятларга нисбатан хурмат туйғуларини шакллантириш;

- ўқувчи ёшларга Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларига бўлган чуқур хурмат ва эъзоз, давлатдан фахрланиш ва унга дахлдорлик туйғуларини сингдириш;

Ватанпарварлик- бу ҳар томонлама баркамол ривожланган шахснинг энг мұхим қирраларидан биридир.

Ўқув юртларининг бу мұхим ишдаги ўрни бекиёсдир, чунки бу соҳада ундан юксак самарадаги ишлар талаб қилинади.

Бу самарали тарбиявий ишларнинг натижаси бўлиб, чуқур маънавий-ғоявий эътиқод, кенг дунёқарашга эга, Ватан учун хар қандай жасоратга тайёр бўлган, бир сўз билан айтганда хақиқий “ватанпарвар”ларни тарбиялаш бўлади.

Бугунги кундаги таълим-тарбияни вазифаси, ўсиб келаётган ёш авлод онгига миллатнинг маънавий ҳаётини белгилаб берадиган муқаддас тушунчалар: ватан, оила, она тили, жонажон табиат, халқ, унинг тарихи, эътиқод, маъданият ва бошқаларни чуқур сингдиришdir.

Буларнинг барчаси шахс тарбиясининг пойдевори бўлиб ҳисобланади. Жамиятнинг турли хил ривожланиш босқичларида ватанпарварлик тарбияси ҳам турлича намоён бўлади.

Ўқувчи ёшларнинг фуқаровий-ватанпарварлик тарбиясида, катта ғоявий-руҳий таъсирга эга бўлган тадбирлар мухим ўрин тутмоқда. Бундай тадбирлар дарс машғулотларида ёки дарсдан ташқари вақтларда ҳам ташкилланиши мумкин. Бундай тадбирлар учун она тили ва адабиёти, тарих, чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик, жасорат дарслари ва бошқалар жуда қулай ҳисобланади.

Фуқаровий-ватанпарварлик тарбияси – бу фаол фуқаро позициясини, ватанпарварлик, яъни, ўз Ватани, халқи, унинг буюк ютуқлари ва шонли тарихи учун фахрланишни шакллантириш жараёнидир.

Ватанпарварлик инсоннинг ҳар бир харакати ва фаолиятида намоён бўлади. Ўзининг кичик Ватанига бўлган мухаббатдан бошланган ватанпарварлик туйғулари, бир қатор босқичлардан ўтиб, умумдавлат манфаатлари ватанпарвари, ўз Ватанига онги садоқат ва мухаббат даражасигача кўтарилади.

Ўқув юртларидаги фуқаровий-ватанпарварлик тарбияси – бу ўқувчиларни демократик жамият шароитида ташаббусли меҳнатга, ижтимоий фойдали ишларни бошқаришда иштирок

етишга, хуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишга, шунингдек, ўзининг сиёсий, ахлоқий ва хуқуқий танлови ва ҳаётий мақсадларига эришиш учун ўзининг билим, малака ва қобилияtlарини имкон қадар ривожлантиришга жавобгарлик туйғуларини мустаҳкамлашдан иборатdir.

Таълимнинг тарбиявий моҳиятини ошириш учун:

- барча ўқув фанларини ижтимоий йўналишини кучайтириш:

анъанавий фанлар таркибига ўқувчилар ўзларини, ўзларини харакатлари сабабларини, атрофдагиларга бўлган муносабатларини тушунишларига ёрдам берадиган материалларни киргизиш.

- Таълим бериш фаолиятининг фаол шакл ва услублари, унинг очиқлиги, ўқув-услубий материалларни, ўқув ва дарсдан ташқари ишларнинг шакл ва үсуllарини ранг-баранглигидан фойдаланиш.

- Тарбиявий тизим бутун ўқув машғулотлари, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ҳаёти, турли хил фаолият ва мулоқот, атрофдаги ижтимоий ва эстетик мұхит таъсирини қамраб олади.

Фуқаровий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишлари қўйидагилардир:

**Маънавий–ахлоқий.** Фуқаровий-ватанпарварлик тарбияси жараёнида ўқувчилар томонидан юксак қадриятлар, идеал ва истаклар, реал ҳаётини ходисалар ва ижтимоий аҳамиятга молик жараёнларни онгли равишда тафаккур қилиш ва амалий фаолиятида улардан муҳим тамойиллар сифатида фойдалана олиш қобилиятини шаклланиши.

**Тарихий ўлкашунослик.** Мамлакатимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аждодларимизнинг, энг аввало, соҳибқирон Амир Темурнинг бебаҳо мероси, Ватанимиз озодлиги ва эл-юрт тинчлиги йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган ватандошларимизнинг қаҳрамонлиги асосида Ўзбекистон халқига содик, қатъий ҳаётини қарашлар ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшларни тарбиялаш;

**Тарихий-маъданий мерос илдизлари,** Ватанинг ягона эканлиги, унинг тақдири билан чамбарчас боғлиқлиги, аждодлар матонати ва замондошларнинг ютуқларига дахлдорлиги учун фахр туйғусини ва давлат, жамиятда олиб борилаётган ислоҳотлар учун тарихий жавобгарликни шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар тизимиdir.

**Фуқаровий – хуқуқий.** Қонун доирасида яшаш ва хуқуқий маъданият, давлат ва жамиятдаги сиёсий ва хуқуқий жараёнларни баҳолай олиш, ўз халқига сидқидилдан хизмат қилишга ва конституцион бурчини бажаришга доимий тайёргарлик малакаларини ва давлат рамзларига хурмат туйғуларини тарбиялади.

**Ижтимоий - ватанпарварлик.** Авлодларнинг маънаний-ахлоқий ва маъданий-тарихий давомийлигини фаоллаштириш, фаол ҳаётини позицияни, олийжаноблик ва ҳамдардлик туйғуларини, кекса ёшдаги инсонлар хақида ғамхўрлик қилиш сифатларини шакллантириш.

**Ҳарбий - ватанпарварлик.** Ўсиб келаётган ёш авлодда юксак ватанпарварлик туйғуларини, Ватанга хизмат қилишга шайлик, уни қўлда қурол билан ҳимоя қилиш қобилияти, жанговар техника, қурол-аслаҳалар ва ҳарбий анъаналарни чуқур ўрганиш малакаларини шакллантиришга йўналтирилган.

**Амалий-жисмоний тайёргарлик.** Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари жараёнида интизомлилик, матонат, жасурлик, чидамлилик, ахлоқий-иродавий сифатларни ривожлантириш, Ватанга хизмат ва уни ҳимоя қилишга доимий шайликни шакллантиришга йўналтирилган.

**Маънавий-маърифий ватанпарварлик.** Ўқувчиларда халқимизнинг маънавий-маърифий қадриятларига, унинг маданияти ва урф-одатларига чуқур ҳурматни, уларда ҳалоллик, виждонийлик, ватанпарварлик, садоқат, фидокорлик сингари сифатларни, шунингдек, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш;

-ўқувчиларни бадиий адабиёт, кинотеатр, мусиқа, рассомчилик ва халқ оғзаки ижоди, шунингдек, ўзбек халқининг жанговар ва меҳнат анъаналари билан яқиндан таништириш орқали уларда ижодий қобилиятларни ривожлантириш.

- ҳарбийлар ҳаётига оид ватанпарварлик ғоясидаги қўлланмалар, фильм, ижтимоий ролик, бадиий асар, туркум кўрсатувлар яратиш;
- таълим ташкилотларида «Турон» мактаб театри танловини мунтазам равишида ўtkазиб бориш;
- ўқувчиларда кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва таҳлилий фикрлаш кўниkmаларини ривожлантириш, табиий ва аниқ фанлар, хорижий тиллар ва замонавий ахборот технологиялари бўйича мустаҳкам билиmlарни шакллантириш.

Таълим ташкилотларида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси қўйидаги тўрт босқичда амалга оширилади:

- мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига (3 — 6 ёш) оила, Ватан, миллий қадриятлар ҳақидаги илк тушунчалар ўргатилади;
- бошланғич синф ўқувчиларида (1-4-синф) мустақиллик тушунчаси, давлат рамзла рига ҳурмат ва интизом каби ҳаётий кўниkmалар сингдирилади;
- ўрта синф ўқувчиларида (5 — 9 синф) ҳуқуқий онг, миллий ғурур, буюк аждодларга муносиб ворис бўлиш туйғуси шакллантирилади;
- юқори синф ўқувчиларида (10-11-синф) ҳарбий хизматга қизиқиш ва Қуролли Кучлар билан фахрланиш туйғуси кучайтирилади;

таълим ташкилотларида:

ўқувчилар ўртасида киберспорт, дрон ва робототехника, келажак ўйинлари бўйича алоҳида танловлар ҳамда ҳарбий-спорт мусобақалари ўtkазилади;

зиёлилар ва нуронийлар иштирокида «уч авлод учрашувлари» ташкил этилади;

ҳарбий хизматчилар томонидан мотивацион сұхбатлар ва маҳорат дарслари олиб борилади;

Ўқув юртларида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкиллаш ва ўtkазиш тарихига назар солсак, бу тарбия турига катта аҳамият берилганига шоҳид бўламиз.

Ватанпарварлик тарбияси масалаларини ҳал қилиш учун ўқув жараёнидаги таълим мазмуни ва дарсдан ташқари вақтдаги тарбиявий фаолиятни ташкиллаш йўналтирилган.

Ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш – мураккаб жараён бўлиб, уни ташкиллаш учун педагог мутахассисларни маҳсус тайёрлаш керак.

Бу вазифани ҳал қилиш кўп жихатдан, ЧҚБТ, тарих ва бошқа педагогик фанлар зиммасида бўлади.

Ўқувчи ёшларда ватанпарварликни тарбиялаш жараёнида таълим-тарбия олиб бораётган педагогнинг ўзини ватанпарварлик эътиқоди катта аҳамиятга эгадир.

Ватанпарварлик эътиқоди бўлмаган педагог ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялай олмайди.

Тажрибали, педагогик тактга эга бўлган ўқитувчи ўқувчиларда хақиқий ватанпарварлик туйғуларини уйғотиши мумкин. Бунинг учун унинг ўзи чуқур эътиқодли ватанпарвар бўлиши керак. У ўзининг билим ва малакалари, ҳаётий позицияси билан ўқувчиларда Ватанга бўлган садоқат ва мухаббатни шакллантиради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Мирзиёев Ш.М , “Янги Ўзбекистон тараққиёти стратегияси”, - Тошкент: Ўзбекистон, 2022 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “2023-2027 йилларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” Концепцияси, Т, 2023 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича Низоми, Т, 2023 й.
4. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов «Ватан туйғуси» Т. 1996 й.
5. «Ватан ҳимояси-муқаддас бурч» Т. Ҳарбий нашриёт, 2000 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг «Ватанпарвар» газетаси.